

ПЕДАГОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМДА “ТАЪЛИМДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИНИНГ ЎРНИ

Неъматулла Абдукаримович Гулбаев

*Чирчиқ давлат педагогика университети Информатика ўқитиш методикаси
кафедраси доценти*

Аннотация: Ушбу мақола педагогик олий таълим тизимидаги “Таълимда ахборот технологиялари” фанига бағишланган бўлиб, фаннинг тизим ахборот муҳитидаги ўрни, хусусиятлари ва ундан самарали фойдаланиш масалалари кўрилган.

Калит сўзлар: таълим, ахборот, ахборотлашган жамият, ўқитувчи, талаба, тармоқ.

Аннотация: Данная статья посвящена науке «Информационные технологии в образовании» в системе педагогического высшего образования.

Ключевые слова: образование, информация, информационное общество, учитель, ученик, сеть.

Resume: This article is devoted to the science "Information technologies in education" in the system of higher education.

Key words: education, information, information society, teacher, student, network.

Республикамизда бўлажак мактаб ўқитувчиларни ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга ўргатиш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бу соҳада кўп қиррали ёндашувларнинг мавжудлигига қарамасдан, шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, ўқитувчи фаолиятини мазмун, метод ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш, уни шахсга йўналтирилган таълим жараёнини амалга оширишга тайёрлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ҳозирги кунда инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида жадал ўзгаришлар рўй бермоқда. Тараққиёт муқаррар. Бу ўзгаришларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, бутун жаҳон ҳамжамиятининг, айниқса, илғор мамлакатларнинг глобал ахборотлашуви муҳим рол ўйнамоқда.

Ахборот оқимларида эркин йўналиш учун бўлажак мактаб ўқитувчилари ҳам компьютерлар, тегишли дастурий таъминот ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумотларни олиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш ва улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мақсадида педагогик олий муасссаларида “Таълимда ахборот технологиялари” фани ўқитилмоқда.

Бизга маълумки ахборот технологиялари - бу инсон миясидан ташқарида ахборотни бошқариш имконини берувчи қурилмалар, воситалар ва усуллар мажмуасидир.

Компьютер технологияларининг ўқув жараёнидаги иштироки таълим жараёнининг тубдан фарқ қиладиган услубини шакллантиради, улар психологик жиҳатдан мақбулроқ, қулайроқ, талабаларнинг ижодий қобилиятларини, интеллектуал ва жисмоний имкониятларини сафарбар қилади.

Юқорида келтирилган талаб ва вазифаларни тўлиқ бажариш мақсадида педагогик олий таълим муассасалари ҳам ўзининг бир қатор буйруқларини чиқазди. Ушбу буйруқларда “Таълимда ахборот технологиялари” фанига ҳам талаб ва вазифалар белгиланди. Келинг, ушбу фанга доир жараён билан танишамиз.

Таълимда ахборот технологиялари дарсларида компьютердан тўғри фойдаланиш, талабаларнинг замонавий техникалар имкониятлари билан қуролланиш натижасида унинг онгига таъсир этади, ахборотга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қоплай бошлайди. Талабаларнинг компьютер билан мулоқатга тайёргарлигини юқори бўлиши фан дастури материалларининг ўзлаштирилишига ва онгининг ақлий ривожланишига ёрдам беради.

Фанни ўқитишдан мақсад - замонавий ахборот технологиялари асослари, замонавий шахсий компьютерлар ва уларнинг атроф қурилмалари, системали дастурий таъминоти, амалий дастурий воситалар, замонавий коммуникацион технологиялар, Microsoft Officeнинг дастурий воситалари ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришдан иборат.

Фаннинг асосий вазифаси: информатика ва ахборот технологиялари ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилиш; информатика ва ахборот технологияларининг ҳар бир инсон ҳаётидаги ва жамиятнинг ривожига ролини очиб бериш; информатиканинг техник ва дастурий воситаларининг моҳияти ва имкониятлари билан таништириш; ахборот тизимлари ва технологияларини нима мақсадида ва қандай қўллаш ҳақида тушунча ҳосил қилишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар: «Таълимда ахборот технологиялари» фани талабаларни ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан касбий фаолиятларида фойдалана олиш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалар ҳамда илмий дунёқарабини шакллантириш вазифаларини бажаради. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба: замонавий ахборот технологиялари, замонавий дастурлаш технологиялари компьютер тармоқлари, ахборот тизимлари ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши, ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш, электрон тижоратга доир *билимга*; ахборотнинг синтактик, семантик ва прагматик ўлчовлари, ахборот жараёнларининг аппарат ва дастурий таъминоти, операцион тизимлар, алгоритмлаш ва дастурлаш, визуал дастурлаш технологиялари, амалий дастурлар билан ишлаш технологиялари, компьютер тармоқлари ва уларнинг турлари, тармоқ ресурслари, ахборот тизимлари, уларнинг моҳияти, қўлланилиши ва вазифалари, электрон ҳужжат айланиши тизими, автоматлаштирилган ахборот тизимлари,

замонавий мултимедиа тизимлари, электрон тижоратлардан фойдаланиш кўникмасига; ахборотларга ишлов бериш қурилмалари, ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти, операцион тизимлар, хизмат кўрсатувчи дастурлар ва утилиталар билан ишлаш, дастурлаш тиллари ва визуал дастурлаш орқали дастур тузиш, амалий дастурлар билан ишлаш (матнли, электрон жадвал, тақдимотлар, график, маълумотлар базалари ва уларни бошқариш тизимлари), компьютер тармоқларидан фойдаланиш, турли веб саҳифалар яратиш дастурлари билан ишлаш, электрон ҳужжат айланиши тизими, замонавий мултимедиа тизимлари имкониятларидан фойдаланиш *малакасига эга бўлиши керак*.

Педагогика йўналишда таълим олаётган талабаларнинг йиллик ишчи ўқув режаси ҳар ўқув йилининг бошида педагогика олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланиб, унда ўқув жараёни жадвали ва ўқув режаси акс этган бўлади. Шунингдек бу режада: таълим йўналиши, академик даража, ўқиш муддати ва таълим шакли кўрсатилади.

Ўқув жараёни жадвалида: курслар, ҳафталар, ойлар, ўқув жараёни ҳафтаралари сони: шундан, назарий ва амалий таълим, аттестациялар, малакавий амалиёт, БМИ ҳимояси ва кредит таълим тизимига кириш ҳақида маълумотлар берилган.

Ўқув режаси бўлими: Фан номи Код Синов/Имтиҳон Кредит миқдори Аудитория соатлари (маъруза, амалий), курс ва мустақил таълим соатлари берилган.

“Таълимда ахборот технологиялари” ўқув фани педагогика олий таълим муассасаларининг барча йўналишларида ўқитилади. Масалан: Таълим йўналиши: 60112200 – *Жисмоний маданият*, академик даража – бакалавр, ўқиш муддати - 3 йил, таълим шакли – кредит-модул, семестр (15 ҳафта)- I, код – IT2112, Синов/Имтиҳон – I, кредит миқдори – 2, аудитория соатлари (маъруза- 30, амалий-30), курс -1 ва мустақил таълим - 30 соат.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақамли технологияларни ривожлантириш, интернет тармоқларидан самарали фойдаланиш асосида жамиятнинг ахборотлаштириш даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат[1]:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.


Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида педагогик олий таълим муассасаларида ҳам ахборотлашган таълим муҳитидан талабаларнинг фанларни ўзлаштиришда фойдаланиш даражасини ошириш учун ишлар олиб борилмоқда. У таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот технологияларининг тизимли интеграциясини таъминловчи махсус ташкил этилган компонентлар мажмуасидан ва таълим муассасасининг турли хизматларидан фойдаланиш учун дастурий воситалар омборидан ташкил топади. Жумладан, “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг бу муҳитдаги фаолиятини умумий ҳолда қуйидагича ифодалашимиз мумкин. 1-расм.

Фаннинг педагогик олий таълим муассасаларининг ахборотлашган таълим муҳити таркибида бўлиши ва ундан талабаларнинг фойдаланиши натижасида қуйидаги имкониятлар пайдо бўлади[2]:

- педагогик олий таълим ўқув жараёни доирасида ягона ахборот муҳитидан фойдаланиш;

- талабалар ҳамда фан бўйича фаолият олиб бораётган педагог ходимларнинг шахсий ахборот майдончаларини ташкил этиш;

- ўқув ва иш режаларини, талаба ва педагог ходимлар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш;



1-расм. Таълимда ахборот технологиялари фанининг ахборотлашган таълим муҳитидаги классификацияси

- ўқув юкларини ҳисоблаш;
- фан бўйича ўриндошлар ҳисоби, қўшимча ўқитиш дастурлари, шартномалар, адабиётлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш, иқтидорли талабалар ва фанлар бўйича тест банкларини яратиш ва бошқалар.


Фанинг ягона ахборот таълим муҳитидаги ўрнининг ташкилий тузилмаси қуйидагича бўлиши мумкин. 2-расм.

Ўқув, тарбиявий ва услубий ишлар мазмунан ўзига хос маълумотлардан ташкил топади.

Устоз-шогирд блоки педагог ходимларнинг бугунги ахборотлашув шароитида маънавий тарбия соҳасида муҳим вазифаларни белгилаб беради. Шу билан бирга, талабаларда ҳозирги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли муносабатни, мустақил фикрлашни тарбиялашга хизмат қиладиган маълумотлар жамланади.

Фан бўйича услубий таъминот ва Web саҳифаси доимий янгиланиб бориши ва тўлдирилиши лозим. Уни электрон кўринишдаги дидактик портфелни таълим

муассасасида тайёрланган ўқув маҳсулотлари билан ҳам тўлдириб бориш аҳамиятлидир.



2-расм. Фанинг ягона ахборот таълим муҳитидаги ўрнининг ташкилий тузилмаси

Шундай қилиб, талаба ва ўқитувчиларни фаол ижтимоий фаолият кўрсатишга тайёрлашда “Таълимда ахборот технологиялари” фани алоҳида ўринга эга бўлиб, уни ривожлантириш ва олий педагогик таълим муассасалари ахборот муҳитида унинг мавқеини ошириш бугунги куннинг талаби бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :

1. Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш тўғрисида Қонуни. Тошкент ш., 2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон.
2. Н.И.Тайлақов, У.Н.Тайлақов “XXI асрнинг глобал хусусиятларидан бири таълим муассасасининг ахборотлашган таълим муҳитини яратиш”. XXI аср глобал хусусиятлари ва ўзгаришларининг таълим-тарбия жараёнига таъсири муаммолари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси.

3. Гулбаев, Н. А., & Кудратиллоев, Н. А. (2020). Моделирование и управление территориально-распределенными системами. *Science and World*, 6(82), 25-28.
4. Ахмедов, Б. (2018). Oliy ta'lim muassasalarida chet tili o'rganish jarayonida elektron ta'lim kurslarini qo'llash tamoyillari. Toshkent davlat pedagogika universiteti, 1(1), 51-56.